

**Х.А.МАМАТҚУЛОВ**

**ПЕДАГОГЛАРНИНГ ХОРИЖИЙ ТИЛЛАР  
БЎЙИЧА КОМПЕТЕНТЛИГИНИ АМАЛИЙ  
ЙЎНАЛТИРИЛГАН МЕТОДИК-ТАЪМИНОТ  
АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШ**



**ТОШКЕНТ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**Х.А.МАМАТҚУЛОВ**

**ПЕДАГОГЛАРНИНГ ХОРИЖИЙ ТИЛЛАР  
БЎЙИЧА КОМПЕТЕНТЛИГИНИ АМАЛИЙ  
ЙЎНАЛТИРИЛГАН МЕТОДИК-ТАЪМИНОТ  
АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШ**

**ТОШКЕНТ-2016**

**УЎК: 372.881.1:371.321:004.4**

**КБК 81.1**

**М-23**

**М-23        Х.А.Маматкулов. Педагогларнинг хорижий тиллар бўйича компетентлигини амалий йўналтирилган методик-таъминот асосида ривожлантириш. –Т.: «Fan va texnologiya», 2016, 228 бет.**

**ISBN 978–9943–11–304–6**

Монографияда ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан фойдаланган ҳолда олий таълим муассасаларидаги мутахассислиги чет тиллар бўлмаган педагогларнинг хорижий тиллар бўйича компетентлигини ривожлантиришга хизмат қилувчи ахборот-методик тизимини яратиш ва шу асосда қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълим жараёнининг мазмуни ва методларини такомиллаштиришга доир масалалар баён этилган.

Монография соҳа мутахассислари, илмий-тадқиқотчилар, олий таълим муассасаларининг мутахассислиги чет тиллар бўлмаган педагог кадрлари ҳамда чет тилларни мустақил ўрганувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

**УЎК: 372.881.1:371.321:004.4**

**КБК 81.1**

***Такризчилар:***

**Б.Р.Адизов – п.ф.д., проф.;**

**Л.Т.Ахмедова – п.ф.д., проф.;**

**Ж.Ж.Жалолов – п.ф.н., проф.**

***Масъул муҳаррир:***

**У.Ш.Бегимкулов – п.ф.д., проф.**

*Монография Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази Илмий-методик кенгашининг 2016 йил 30 майдаги 2-сонли қарори билан нашрга тавсия этилди.*

**ISBN 978–9943–11–304–6**

**© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2016.**

---

---

## КИРИШ

Мамалакатни ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, таълим ва фан соҳасида юқори натижаларга эришиш ҳамда шу йўналишда ислоҳотлар самарадорлигини ошириш кўп жиҳатдан мавжуд ички имкониятлар ва таълим муассасалари педагог кадрларининг интеллектуал салоҳиятидан унумли фойдаланишга боғлиқдир.

Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорининг қабул қилиниши олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб даражаси ва малакасини муттасил ошириб бориш, замонавий талабларга мувофиқ мунтазам қайта тайёрлашнинг такомиллаштирилган тизимини жорий этиш асосида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан ошириш вазифаларини белгилаб берди.<sup>1</sup>

Мамлакатимизнинг биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Олий таълим соҳасида олий ўқув юртларининг педагог кадрларини мунтазам қайта тайёрлаш бўйича мутлақо янги, такомиллаштирилган тизим жорий қилинди. 15 та таянч олий ўқув юртида олий таълим муассасалари раҳбарлари ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш курслари ташкил этилди. Мазкур курсларда олий ўқув юртларининг 2 минг 700 га яқин ўқитувчиси малака оширди»<sup>2</sup>.

Янги тизимнинг жорий этилиши билан раҳбар ва педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш жараёнини замонавий талабларга мувофиқ ташкил этишнинг

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги «Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4732-сон Фармони ва 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПК-1875-сон қарори.

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари»га бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 16 февралдаги кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. «Халқ сўзи» 2016 йил 16 февраль.

меъерий-ҳуқуқий асослари такомиллаштирилди. Малака ошириш жараёнига масофавий таълимни жорий этиш бўйича аниқ мақсадли ишлар амалга оширилмоқда.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълим муассасалари тингловчилари касбий компетентлигини ҳозирги замон талаблари даражасида ривожлантириш, замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан унумли фойдаланган ҳолда уларда зарурий билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш муҳим вазифалардан биридир. Айнан, ушбу жараёнда педагогларнинг хорижий тиллар бўйича компетентлигини ривожлантиришга хизмат қилувчи ахборот-методик таъминотни ишлаб чиқиш муаммоларига доир тадқиқотга мурожаат этиш, уларга касбий компетентликни ошириш бўйича услубий ёрдамлар кўрсатиш йўлида ахборот-коммуникация технологиялари ролининг ўсиб бораётганлиги билан изоҳланади.

Ўзбекистоннинг биринчи Президенти И.А.Каримов бугунги кунда ахборот-коммуникация технологияларининг мамлакат тараққиётидаги ўрни ҳақида тўхталар экан, «Ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши мамлакатнинг рақобатдошлик даражасига таъсир кўрсатиши, катта ҳажмда ахборот тўплаш ва уни умумлаштириш имконини бериши, бошқаришни стратегик даражада ташкил этиш учун кенг имкониятлар очиб беришини унутмаслигимиз зарур» – деб, таъкидланган.<sup>3</sup>

Дарҳақиқат, замонавий таълим тизими талаблари асосида педагоглар фаолиятини ташкил этиш шакл ва методларини такомиллаштиришда ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Ахборот-коммуникация технологиялари асосида масофавий ва мустақил таълимни ташкил этиш каби ўқитишнинг янги шакллари шулар жумласидандир. Таълим муассасаларини замонавий техник воситалар билан таъминланиши ва таълим тизимини ахборотлаштирилиши педагог кадрларни тайёрлаш ҳамда уларнинг мазкур техник воситалардан фойдаланган ҳолда касбий компетентлигини оширишга алоҳида ёндашишни талаб этади. Шу боис, бугунги кунда жамият учун юқори касбий компетентликка эга бўлган ва айниқса, ахборот-коммуникация технологиялари

---

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юнли ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари»га бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 16 февралдаги кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. «Халқ сўзи» 2016 йил 16 февраль.

бўйича компетентлик даражаси юқори бўлган мутахассислар ва педагог кадрларни тайёрлаш жуда муҳимдир.

Бугунги кунда Интернет тармоғи орқали педагоглар мамлакатимиз ва чет эл таълим тизимида доир кўплаб маълумотлар, масофавий курслар, касбий мулоқот, тажриба алмашиш, айниқса, уларнинг хорижий тиллар бўйича компетентлигини ошириш билан боғлиқ маълумотларни олиш ҳамда улар устида ишлаш имкониятларига эга. Лекин, кўпчилик педагоглар керакли маълумотларни қандай, қайси йўл билан топиш ва Интернет ресурсларидан касбий фаолиятида қандай фойдаланиш бўйича етарли даражада кўникмаларга эга эмаслар. Шу сабабли, Интернет тармоқларидан фойдаланган ҳолда ташкил этиладиган машғулотлар баъзи ҳолларда тарқоқ ва тизимлашмаган характерга эга бўлади. Жамиятнинг бугунги асосий талабларидан келиб чиқиб, педагогларнинг хорижий тиллар бўйича касбий компетентлигини ривожлантиришга йўналтирилган ахборот-методик таъминот тизими етарли даражада шаклланмаган ва илмий-методик жиҳатдан асосланмаган.

Узлуксиз таълим тизимида ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан фойдаланган ҳолда педагогларнинг хорижий тиллар бўйича компетентлигини ривожлантириш зарурияти ҳамда уларни илмий-методик жиҳатдан асосланиши билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш мақсадида педагогларнинг хорижий тилларга оид тармоқдаги ахборот-методик тизимини ишлаб чиқиш ва уни такомиллаштириб бориш муҳим аҳамиятга эга.

---

---

# **I БОБ. ХОРИЖИЙ ТИЛЛАР БЎЙИЧА ПЕДАГОГЛАР КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

## **1.1. Педагоглар касбий компетентлигини ривожлантиришнинг назарий асослари**

Таълим тизимини модернизациялаш хусусан, олий таълим тизимида педагог кадрларни тайёрлаш ва уларнинг касбий билим, кўникма ва малакасини оширишга қаратилган бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, педагог кадрларнинг ўқув-услубий ва илмий-педагогик фаолиятини ташкил этишнинг мавжуд меъёрий-ҳуқуқий асослари муттасил такомиллаштириб борилмоқда. Мазкур жараённи бошқаришнинг давлат томонидан амалга оширилиб, соҳани ривожлантиришга оид дастурлар қабул қилиниши ва унда белгиланган вазифаларнинг бажарилиши муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Таълим тизимида бугунги кундаги асосий вазифалар фаолият кўрсатаётган педагогларнинг хорижий тиллар бўйича билим, кўникма ва малакаларини, компетентликларини мунтазам равишда ривожлантириб бориш ҳисобланиб, уларни халқаро майдонда рақобатбардош кадрларга айлантириш юзасидан Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида кўзланган мақсадларга эришиш, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини узлуксиз ошириб бориш асосий масалалардан бўлиб турибди.

Маълумки, «компетенция», «компетентлик», «касбий компетентлик», «педагогик компетентлик» тушунчаларига доир фикрлар ва турли қарашлар мавжуд бўлиб, улар хорижий давлатлар ва мамлакатимиз олимлари илмий изланишларида атрофлича ўрганилган. Ушбу тушунчаларнинг мазмун-моҳияти, уларга нисбатан педагогик-психологик ёндашув масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

«Компетентлик» сўзининг луғавий маъноси олимлар томонидан турли ёндашувлар асосида аниқлаштирилган ва унга

соҳалар ҳамда йўналишлар хусусиятларидан келиб чиқиб, таърифлар келтирилган. «Компетентлик» сўзининг луғавий маъноси лотинча - «competere» лаёқатли, муносиб бўлмоқ маъносини билдириб, шахснинг бирор соҳадан хабардорлик, шу соҳани билиш даражасини англатади.

Хорижий тиллар луғатида «компетент» (лот. competence - мос, қобилиятли) тушунчаси компетентликка эга; маълум соҳани билувчи, хабардор сифатида, компетенция (лот. competentia - қонуний эгалик) эса, бирон лавозим эгаси ёки орган ваколати доираси; мазкур шахс эга бўлган билим ва малака доирасидаги саволлар, дея таърифланади [126].

«Компетентлик» сўзи ўз ичига «компетенциялар тизими»ни камраб олиб, бунда педагогларнинг ҳар қандай вазиятларда фаол бўлиши ва муаммоли ҳолатларнинг ечимини профессионал тарзда излаб топишда ўзини-ўзи самарали бошқариш қобилиятини шакллантириш лозимлигини билдиради.

«Компетентлик» тушунчаси тўғрисидаги дастлабки фикрлар Буюк Британиялик машҳур психолог олим Джон Равен [143] томонидан илгари сурилган бўлиб, у компетентликнинг хусусиятлари тўпламини ягона бир тизимга бирлаштиради ҳамда компетентлиликлар ҳам интеллектуал, ҳам эмоционал хусусият касб этган ҳолда, улар ўзаро алмашинувчанлик характерини «мотивациялашган қобилиятлар» асосида намоён қилишини таъкидлайди.

А.А.Андреев [44] томонидан компетентлик ёндашуви бир томонлама-когнитив, предметли-билим таълимига муқобил йўналиш сифатида шаклланади. Унинг фикрича, глобал интеграцион жараёнларни жамиятнинг барча соҳаларини камраб олиши ва маълумотларни тез эскириши, таълим билан кундалик ҳаёт ўртасидаги мувозанатни тиклашни натижавий мақсад сифатида, билим асосидаги интегратив фаолият ва амалий қобилият бирлиги кўринишида компетентлик масаласи вужудга келади, деб изоҳланади.

«Компетентлик» сўзи келтирилган илмий адабиётлардаги – маълум ҳолат хусусида тўғри мулоҳаза юритишга имкон берадиган билимга эга бўлиш, далил ва исботли фикр юритиш, кишининг муайян соҳада савиясини ифода этадиган атама, деб ҳам қарашимиз мумкин. Агарда, компетентлик - шахс хусу-



сиятлари ва ҳолатини эътиборга оладиган бўлса, уни маълум соҳадаги билим, кўникма ва малакани мужассамлаштириш сифатида ҳам қараш мумкин. Аслида компетентлик умумий хусусиятларни ифодалайдиган бўлса, у - инсонга муайян масалаларда фикр билдириш, маълум қарорларни қабул қилишда иштирок этиш ёки мустақил равишда қарор қабул қилиш имконини беради.

А.В.Хуторский [167] «компетентлик» тушунчасини амалиётга киритиш талабига назарий билимларни эгаллаш, аниқ мақсад, вазифа ёки вазиятларда муаммоларни ҳолатларни ҳал қилиш, уларни амалиётга жорий этиш кабиларда дуч келадиган жиддий қийинчиликларни бартараф қилишдан иборат ва у ушбу вазиятларда катта аҳамият касб этади, деб ҳисоблайди. Олим ўз илмий тадқиқотида компетенцияларнинг таълим олиш орқали ўрганиш, излаб топиш, фикр юритиш, ҳамкорлик қилиш, касбий фаолиятини амалга ошириш ва мослашиш каби асосий йўналишларини белгилаб берган. Унинг илмий изланишда ҳамкорлик қилиш борасидаги фикри муҳим бўлиб, нафақат касбий фаолият жараёнида, балки умумий равишда ижтимоий муносабатлар атрофдаги инсонлар билан мулоқот ўрната олиш, ўз фикрини баён қилиш орқали уларни ишонтириш, жамият аъзоларини ягона ғоя атрофида ҳаракатлантира олиш қобилиятларини ўз ичига камраб олиб, бевосита педагогнинг касбий компетентлиги тизим сифатида кўрилади.

А.Хутмахер [178] «компетентлик» атамасини «мен биламанки, бу...» маъносига нисбатан «мен биламанки, ... сабабли» тушунчаси яқинроқ эканлигини таъкидлайди ва у Европа Кенгаши томонидан қабул қилинган бешта асосий компетентликни келтиради:

- ... масъулиятни хис қилиш, гуруҳ бўлиб қарор қабул қилишда иштирок этиш, зиддиятларни таъзийқсиз ҳал қилиш, демократик институтларни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш қобилияти каби сиёсий ва ижтимоий компетентликлар;

- жамиятда кундалик турмуш билан боғлиқ компетентликларни мисол қилиш мумкин. Масалан, таълимда миллатлараро нотолерантликни олдини олиш мақсадида, ёшларнинг фикрларни қабул қилиш, бошқа миллатга мансуб кишилар маданияти,

тили ва динини ҳурмат қилиш каби маданиятлараро омилкорлик хусусиятлари;

- иш ўрнида ва ижтимоий муносабатларда жуда муҳим ҳисобланувчи ёзма ва оғзаки компетенцияга эга бўлиш, компетенциянинг ушбу контекстида биттадан кўп хорижий тилларни билиш;

- жамиятни ахборотлашувини тезлашиши билан боғлиқ компетентликлар сифатида, ахборот технологияларига эга бўлиш, улардан самарали фойдаланиш, оммавий ахборот воситалари ва реклама ёрдамида тарқатиладиган ахборотнинг кучли ва заиф томонларини ҳамда фикрлаш усулларини билиш;

- бутун фаолият давомида узлуксиз таълим асоси, бу шахсий-касбий ва ижтимоий турмуш контекстида ўрганиш қобилияти.

Л.М.Митина [116] ва В.Д.Щадриковлар [168] ўзларининг илмий тадқиқотларида «компетентлик» тушунчаси таркибига шахсий сифатлар, педагогик фаолият мақсади ва вазифаларини белгилаш, ўқув фаолияти мотивацияси, ахборот компетентлиги, касбий фаолият кўникмаси ва дастурларини ишлаб чиқиш ва қарор қабул қилишда ўқув фаолиятини касбий талаблар асосида ташкил қилиш каби сифатларни киритган ҳолда асослаб, касбий компетентликни шаклланишига ҳисса қўшганлар.

Н.С.Розов [148] компетентлик категориясига ҳаракатланувчи ва тарихий мансубликни киритади. Муаллиф уни умумқийматга эга кадриятлар учун жавобгарлик, ўзликни англашнинг эркин кадрияти билан бир қатордаги таълимий кадрият сифатида таърифлайди. Бундан ташқари, у асосий жиҳати мазмун ва кадрият ҳисобланган, умуммаданий компетентлик ҳақида ҳам ўз қарашларини илгари суради. Умуммаданий компетентлик турли асослар: фанлар ва билимлар соҳаси, ўзаро муносабатдаги кадриятлар бўйича классификациялаш мумкин бўлган бир қанча соҳаларни ўз ичига олади. Шу тариқа, ҳар бир ижтимоий соҳа компетентлик кўринишини аниқлайди: ижтимоий компетентлик, гуманитар компетентлик, коммуникатив компетентлик ва бошқ.

Россиялик олимлардан С.И.Ожегов [129] компетентли инсонни «маълум бир соҳада билимга эга, хабардор, авторитет», деб таърифлайди.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/uz/asar/4037> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/4037> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/4037>